

У бир дирҳам бўлади

05:00 / 11.03.2017 3963

Абдурахмон ибн Михлад айтади: “Бир аёл бир кишига битта нон берди ва: “Мана буни олинг. Эвазига ўғлимнинг қабри тепасида Қуръон ўқиб турасиз” деди. Ҳалиги одам: “Улар юз тубан ҳолларида дўзах сари судраладиган кунда (уларга): “Дўзах таъсирини тотиб кўрингиз!” – (дейилур)” оятини тиловат қилди. Буни эшитган аёл: “Қабр тепасида шундай оятлар ўқиладимиз?!” деб норози бўлди. Шунда бояги киши: “Нима, битта нонга “(Жаннат аҳли) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар узра ястанган ҳолда (ўтирурлар). У икки боғнинг меваси (узувчига) яқиндир” оятини ўқишимни истайсизми?!” Буни ўқиш бир дирҳам бўлади” деб жавоб берди”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси